

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ, ҚОРАҚАЛПОҚ
ИЖТИМОЙ ФАҢЛАР ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.
Tar.01.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ЗАМОНОВ АКБАР ТУРГИНОВИЧ

**БУХОРО ХОНЛИГИНИНГ ҚЎШИН ТУЗИЛИШИ ВА ҲАРБИЙ
БОШҚАРУВИ (XVI АСР)**

Ихтисослик: 07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation

Замонов Акбар Тургинович

Бухоро хонлигининг кўшин тузилиши ва ҳарбий бошқаруви
(XVI аср) 3

Замонов Акбар Тургинович

Военное управление и структура армии Бухарского ханства
(XVI в.) 23

Zamonov Akbar Turginovich

The military administration and structure of the Bukhara khanate
(XVI century)..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 47

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ, ҚОРАҚАЛПОҚ
ИЖТИМОЙ ФАҢЛАР ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.
Tar.01.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ЗАМОНОВ АКБАР ТУРГИНОВИЧ

**БУХОРО ХОНЛИГИНИНГ ҚЎШИН ТУЗИЛИШИ ВА ҲАРБИЙ
БОШҚАРУВИ (XVI АСР)**

Ихтисослик: 07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.PhD/Tar121 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (<http://ik-tarix.nuu.uz>) ҳамда «ZiyoNET» ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мавланов Ўктам Махмасабирович
тарих фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Зияева Доно Ҳамидовна
тарих фанлари доктори, профессор

Эшов Баходир Жўраевич
тарих фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети, Қорақалпоқ ижтимоий фанлар илмий тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи 27.06.2017. Таг.01.04 рақамли Илмий кенгашининг 2018 йил «__» _____ соат __ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Мирзо Ғолиб кўчаси, Ўзбекистон Миллий университетининг тарих факультети, 1-қават, 110-аудитория.) Тел.: (99871)227-12-24; факс: (99871)246-53-21, (99871)246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz Ўзбекистон Миллий университети).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Бош бино). Тел.: (99871)236-46-55, факс: (99871)246-02-04).

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «__» _____ даги __ - рақамли реестр баённомаси)

А. А. Маврулов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Х. Э. Юнусова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д.

Г. А. Агзамова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёнинг энг тараққий этган давлатларида ҳарбий соҳага оид тадқиқотлар устувор аҳамият касб этади. Бундан кўзланган асосий мақсад, аввало, мамлакатни ички ва ташқи хавфлардан ҳимоялаш, минтақалардаги тартибсизликларнинг олдини олиш, барқарорлик ўрнатиш, инсонпарварлик ғояларини тарқатиш, қонун устуворлигига эришиш, айрим зўравон давлатларнинг ва тўдаларнинг ғаразли мақсадларига йўл қўймасликдан иборатдир. “Ҳозирги вақтда жаҳонда ва минтақамизда ҳарбий-сиёсий вазият кескин ўзгариб, миллий ва глобал хавфсизлик соҳасида хатар ва таҳдидлар тобора кучайиб бормоқда. Ана шундай ўта масъулиятли вазият ва ҳаётнинг ўзи эришган барча ютуқларимизни, шу билан бирга, йўл қўйган камчиликларимизни чуқур ва танқидий таҳлил қилишни барчамиздан талаб этмоқда”¹. Бугунги глобал ахборот даврида жаҳонда юз бераётган ҳарбий-сиёсий жараёнларни теран англашда тарих сабоқларига, ҳарбий соҳа тарихига мурожаат қилишга эҳтиёж ортиб бормоқда.

Жаҳонда олиб борилаётган тадқиқотларда ҳарбий соҳа, хусусан, муҳорабалар ва саркардалар тарихи, ҳарбий стратегия ва тактика, қўшин тузилиши ва бошқарув усуллари тадқиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, ўт очар қуроллар ва уларнинг эволюцияси, ҳарбий қўшиннинг мамлакат сиёсий тизимини мустаҳкамлашдаги ўрни, ўтмишдаги ҳарбий мансабларнинг бугунги кунга қадар тадрижий такомиллашган функционал вазифалари тадқиқига бағишланган ишлар алоҳида ўринни эгаллайди. Ҳарбий қўшин мамлакат хавфсизлиги ва ижтимоий тузум билан бевосита алоқадор ташкилот бўлиб, давлат қудратини белгиловчи муҳим тузилма саналади. Уни ўрганиш муайян давлат тарихини тадқиқ этишда муҳим аҳамият касб этади. Шу жиҳатдан, шайбонийлар ҳукмронлиги давридаги ҳарбий қўшин тарихини ўрганиш XVI асрда Бухоро хонлигида кечган тарихий жараёнлар, давлатчиликнинг ҳолати ҳақида муайян тасаввур ҳосил қилиш имконини беради.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёнида профессионал армияни шакллантириш масаласи давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бирига айланган. “Мудофаа соҳасида олдимизда янги ва муҳим вазифалар турганини барчамиз яхши тушунамиз. Аввало, Миллий хавфсизлик концепцияси ҳамда Мудофаа доктринасининг самарали ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш бўйича ҳали кўп иш қилишимиз керак”². Мазкур вазифаларни бажариш учун ўтмишда халқимиз ҳарбий санъатида катта ўрин тутган илғор анъаналарни ўрганиш ва керакли сабоқлар чиқариш катта амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2018 йил 9 январдаги “Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринаси тўғрисида”ги 458-сон-

¹ Мирзиёев Ш. Миллий армиямиз – тинч, осуда ва фаровон ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолати / Қуролли кучлар ташкил топганлигининг 25 йиллигида сўзланган нутқ // Халқ сўзи. 2017, 14 январь.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи. 2017 й., 23 декабрь.

ли Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 12 январдаги “Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида”ги 1913-сонли фармони ҳамда 2017 йил 21 ноябрдаги “Мард ўғлон” давлат мукофотини таъсис этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 3402-сонли қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 25 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлар музейи фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 54-сонли қарорида белгиланган вазифаларни амалга оширишда ва ўзбек давлатчилиги, ҳарбий санъати тарихини ёритишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамият, маънавий-маърифий, маданий ривожланиш, инновацион иқтисодийнинг шаклланиши” дастури устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бу масала диссертациянинг биринчи боби (1.2.)да махсус кўриб чиқилган. Бухоро хонлигининг шайбонийлар даври ҳарбий бошқарув тизими, соҳага доир муҳим тарихий манбаларнинг мавжудлигига қарамасдан, илмий жамоатчилик томонидан мустақил илмий тадқиқот объекти сифатида ҳозирга қадар махсус ўрганилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон Миллий университетининг ОТ-Ф1-109-сонли “Ўзбекистонда ер-сув муносабатлари (қадимги даврдан ҳозирги кунгача)” (2017-2020) мавзусидаги лойиҳаси доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади турли манбалар асосида шайбонийлар ҳукмронлиги даврида Бухоро хонлигининг кўшин тузилиши, таъминоти, ҳарбий стратегия ва тактикалари ҳамда ҳарбий бошқарувга доир масалаларни очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Бухоро хонлигининг XVI асрдаги ҳарбий-сиёсий тарихига оид маълумотларни тарихий манбалар, хорижлик сайёҳлар кундаликлари, илмий адабиётлар асосида ўрганиш;

жорий этилган янги ҳарбий тактика ва стратегияни ёритиш ҳамда уларни Ўрта Осиё ҳарбий санъатида қадимдан мавжуд бўлган ҳарбий анъаналар, жанг усуллари билан қиёслаш;

кўшин йиғиш анъаналари ва кўшиннинг таркиби, вазифалари, ҳарбий машқлар жараёнларини ёритиш;

қурол-яроғ турлари, кўшиннинг ҳарбий аслаҳалар ва моддий таъминоти масалаларини очиб бериш;

хонликдаги маъмурий-ҳарбий, ҳарбий мансаблар, уларни тайинлаш тартиблари ва функцияларига ойдинлик киритиш ҳамда ҳарбий сиёсатнинг асосий тамойилларини аниқлаш ва шу асосда марказий ҳокимиятни мустаҳкамлашнинг муҳим жиҳатларини кўрсатиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти этиб Бухоро хонлигининг шайбонийлар давридаги ҳарбий иш ва қўшин тузилиши тарихи белгиланди.

Тадқиқотнинг предметини шайбонийлар ҳукмронлиги даврида Бухоро хонлигидаги қўшин тузилиши ва бошқарувига хос тарихий маълумотлар таҳлили ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тарихийлик, тизимлаштириш, қиёсий, муаммовий-хронологик ҳамда фанлараро ёндашув каби илмий тадқиқот усуллари ҳамда холислик тамойилларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

XVI аср ҳарбий бошқарувига хос бўлган тўпчибоши, ёрғучи, қўрчи, қўшбеги каби ҳарбий мансаблар жорий этилганлиги аниқланган ҳамда уларнинг функция ва ваколатларига оидлик киритилган;

маъмурий амалдорларнинг (нақиб, кўкалдош, оталиқ, мунший, парвоначи, шиғовул ва ҳ.к.) бир пайтни ўзида ҳарбий ишга мутасадди бўлганлиги, темурийлар давридагига нисбатан ваколатлари кенгайиб борганлиги тарихий далиллар орқали исботланган;

қўшин бошқарувида турли соҳа вакилларининг иштироки, жанг санъатида бир қатор ҳарбий тактикалар (тўлғаманинг бир неча тури, шундуломиший, удрутмиший, Усмонли усули ва ҳ.к.) ҳамда қўшин таркибига киритилган баъзи ўзгаришлар (қўшиннинг 60 га яқин уруғлардан ташкил топгани, яничарлар мавжудлиги ва ҳ.к.) аниқланган;

Бухоро хонлиги қўшинидаги 30 га яқин ҳарбий қурол-яроғ турлари аниқланган, янги турдаги ўт очар қуроллар ва уларнинг маҳаллий шароитда ишлаб чиқарилиши билан боғлиқ жараёнлар очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ҳарбий санъат тарихининг йўналишларини ривожлантириш, такомиллаштириш бўйича амалий тавсия ва таклифлар ишлаб чиқилган;

ҳарбий тизимига бағишланган барча илмий адабиётлар ва бирламчи манбалар асосида ҳарбий бошқарув ва қўшин ҳолатининг ўзига хос умумий жиҳатлари аниқланган;

шайбонийлар даврида Бухоро хонлигида қўшин йиғиш, бошқариш анъаналари, ҳарбий тактика ва қурол-яроғлардаги ўзгаришлар ҳамда ҳарбий мансаблар ваколатларига оид масалалар оидинлаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги унда замонавий тарих фанида эътироф этилган ёндашув ва усулларнинг қўлланилгани, кўп турдаги тарихий адабиётлардан фойдаланилгани, XVI асрда яшаб ўтган тарихчилар асарлари, ўлкага ташриф буюрган чет эл сайёҳлари кундаликлари каби бирламчи манбаларга асослангани, концептуал асосга эга хулоса, таклиф ва тавсиялар амалиётга жорий этилгани ҳамда тадқиқот жараёнида олинган натижалар таълим муассасалари фаолиятига татбиқ этилганлиги билан боғлиқ.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Мавзу доирасида олиб борилган тадқиқотлар ва олинган натижалар ўзбек давлатчилиги, ҳарбий санъати тарихини, хусусан, шайбонийлар давридаги қўшин ва унинг тузилиши, ҳарбий бошқаруви, қурол-яроғлар турлари,

уларнинг тадрижий ривож, ҳарбий бошқарув тамойиллари, жанг олиб бориш усуллари каби масалаларни ёритишда муҳим ўрин тутди.

Диссертацияда келтирилган маълумотлар ва илмий хулосалардан Ўзбекистон тарихининг тегишли бўлимларини ёзишда, шунингдек, Ўзбекистон ва Марказий Осиё ҳарбий санъати тарихи бўйича олий ўқув юртлари, олий ҳарбий билим юртлари ва умумтаълим муассасалари учун дарсликлар ва бошқа турдаги ўқув адабиётлари яратишда, олий ўқув юртлари, қуролли кучлар академиясида махсус курслар ўқишда фойдаланиш мумкин. Жамиятда миллий ғурур ва мафкуравий иммунитетни шакллантириш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, халқимиз ҳарбий санъатига хос илғор анъаналарни тарғиб этишда ҳам тадқиқот натижаларидан фойдаланса бўлади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бухоро хонлигининг қўшин тузилиши ва ҳарбий бошқаруви бўйича илмий натижалари:

Бухоро хонлигининг бошқарув тизими, хусусан, ҳарбий бошқаруви, ҳарбий-сиёсий жараёнлар ҳамда мамлакат ҳарбий қудратининг пасайиб бориш омиллари ва Россия империяси асоратига тушиб қолишининг тарихий илдизлари умумтаълим мактабларининг 9-синф ўқувчиларига мўлжалланган “Ўзбекистон тарихи” дарслиги (Т., “Шарқ” НМАК, 2014. 160 б.) мазмунида ўз аксини топган бўлиб, ўқувчиларда тарихий тафаккурни шакллантириш, уларнинг ҳарбий-сиёсий тарихга бўлган қизиқишини ошириш ва шу орқали ватанпарварлик туйғуларини кучайтириш имконини берган;

ҳарбий-сиёсий жараёнларда диний уламоларнинг таъсири юқори бўлганлиги, уларнинг мамлакатни бирлаштириш йўлидаги фаолияти, ҳарбий тўқнашувларнинг олдини олиш хусусиятлари умумтаълим мактабларининг 9-синф ўқувчиларига мўлжалланган “Дунё динлари тарихи” дарслиги (Т., “Ўқитувчи” НМИУ, 2017. 144 б.) мазмунида ўз аксини топган бўлиб, ўқувчиларда миллий-маънавий меросни ўрганиш, маърифатпарварликка интилиш, дин уламолари маънавий меросидан баҳраманд бўлиш ва шу орқали диний-ахлоқий қўникмаларини шакллантиришга хизмат қилган;

Бухоро хонлиги қўшинининг қурол-яроғлари ва жанг тактикалари ҳақидаги хулосалар Ички ишлар вазирлигининг Ички ишлар органлари тарихи музейининг «Ўзбекистон ҳудудида хавфсизлик ва жамоат тартибини сақловчи тузилмаларнинг шаклланиш тарихи» номли экспозициялар бўлимини шакллантиришда фойдаланилган (Ички ишлар вазирлигининг 2018 йил 24 апрелдаги 2/1571-сон хати). Бу Бухоро хонлиги қўшинининг қурол-яроғлари, жанг тактикалари чизмалари орқали аجدодларимиз ҳарбий маҳорати наъмуналарини келажак авлодга етказиш имконини берган;

Бухоро хонлиги тарихчиларининг асарлари ва хорижлик сайёҳларнинг эсдаликлари асосида ҳарбий бошқарув, қўшин тузилиши, ҳарбий тактика, қурол-яроғлар ҳамда ҳарбий мансабларнинг тавсифига оид масалалар умумтаълим мактабларининг 8-синф ўқитувчиларига мўлжалланган “Ўзбекистон тарихи. Хрестоматия” ўқув қўлланмаси (Т., “Тафаккур” нашриёти, 2016. 372 б.) мазмунида ўз аксини топган. Мазкур қўлланма орқали тарих фани

ўқитувчилари учун манбалар асосида илк бор қўшимча ўқув адабиёти яратилиб, бу ўқитувчилар илмий салоҳиятининг ортиши имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижасида олинган хулоса ва таклифлар 12 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 2 та халқаро ва 10 та республика миқёсидаги конференцияда синовдан ўтказилиб, маъқулланган. Булар қуйидагилар: “Чим мудофаа девори ва унинг Шаҳрисабз ва Қарши бекликлари тарихидаги ўрни” (Тошкент, 2013); “Шайбонийлар давлати ҳарбий санъатининг маҳаллий манбаларда ёритилиши” (Тошкент, 2014); “О тактике ведения войн шейбанидскими правителями” (Переяслав-Хмельницкий, 2016); “Шаҳрисабз истехкомининг тузилиши ҳақида баъзи мулоҳазалар” (Самарқанд, 2016); “Бухоро хонлигида ижтимоий барқарорликни таъминлашда диний уламоларнинг ўрни” (Тошкент, 2017); “Мустақиллик йилларида Бухоро хонлиги ҳарбий тизими (XVI аср)нинг ўрганилиши” (Тошкент, 2017); “XVI асрда Бухоро хонлигида ҳарбий-сиёсий жараёнларнинг асосий жиҳатлари” (Тошкент, 2017); “Бухоро хонлигида ҳарбий тайёргарлик ва машғулотлар (XVI аср)” (Тошкент, 2017); “Шайбонийларнинг ҳарбий тизими Бобур тавсифида” (Тошкент, 2017); “Бухоро хонлиги кўшинида моддий таъминот масаласи” (Тошкент, 2017); “Ёшларда ватанпарварлик хусусиятларини оширишда ҳарбий санъат тарихининг ўрни” (Тошкент, 2017); “К вопросу о дипломатических отношениях между Бабуром и шейбанидами” (Москва, 2018).

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий иш чоп этилган. Шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола (10 таси республика ва 2 таси чет эл журналларида) эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловадан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 153 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги асосланиб, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети белгилаб олинган. Тадқиқотнинг фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ҳолда назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, апробацияси бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби “**Мавзу манбашунослиги ва тарихшунослиги масалалари**”га бағишланган бўлиб, унинг “Бухоро хонлиги ҳарбий тизими манбашунослиги масаласи” деб номланган биринчи қисмида ўзбек ва рус тилига таржима қилинган мавзуга оид манбалар қайси тилда яратилганлиги ва турига қараб уч гуруҳга бўлиб шарҳланган: 1) форс-тожик тилидаги манбалар; 2) эски ўзбек (туркий) тилидаги манбалар; 3) сайёҳларнинг

кундаликлари. Бу давр муаррихлари темурийлар тарих мактаби анъаналарининг давомчилари эдилар. Аксарият тарихий асарлар ҳукмдорларнинг ҳаёти ва фаолиятини ёритиш, уларнинг сиёсий тадбирлари, ҳарбий юришлари, дин пешволари билан муносабатларини тавсифлаш билан чекла-ниб қолган.

Форс-тожик тилида ёзилган манбаларда мавзуга доир баъзи маълумотлар мавжуд³. Ҳарбий иш ҳақида маълумот берувчи мазкур манбаларга Мулло Шодийнинг “Фатҳнома”⁴, Камолиддин Биноийнинг “Шайбонийнома”⁵, Фазлуллоҳ ибн Рўзбеҳоннинг “Меҳмоннома-йи Бухоро”⁶, Ғиёсиддин Хондамирнинг “Ҳабиб ус сийар”⁷, Мирзо Муҳаммад Ҳайдарнинг “Тарихи Рашидий”⁸, Зайниддин Восифийнинг “Бадоеъ ул-вақоеъ”⁹, Ҳофиз Таниш Бухорийнинг “Шарафнома-йи шоҳий”¹⁰, Муҳаммадёр ибн Араб Қатағаннинг “Мусаххир ал-билод”¹¹, Маҳмуд ибн Валининг “Баҳр ул асрор”¹² асарларини мисол қилиб киритиш мумкин.

Туркий тилда ёзилган баъзи манбаларда ҳам хонликдаги ҳарбий ишга доир бир қатор маълумотлар учрайди¹³. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг

³ Муҳаммад Ҳайдар мирзо. Тарихи Рашидий. / В. Раҳмон ва Я. Эгамов таржимаси. – Т.: Шарк, 2010; Ғиёсиддин Хондамир. Ҳабиб ус-сийар фи ахбори афроди башар / Форс тилидан таржима, мукаддима муаллифи Ж. Ҳазраткулов, И. Бекжонов. – Т.: Ўзбекистон, 2013; Ҳофиз Таниш ал-Бухорий. Абдулланом / Форс тилидан С.Мирзаев таржимаси. Илмий муҳаррир, нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Б. Аҳмедов. – Т.: Шарк, 1-китоб, 1999; 2-китоб, 2000; Муҳаммадёр ибн Араб Қатаған. Мусаххир ал-билод / Форс тилидан таржима, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифлари И. Бекжонов, Д. Сангирова. – Т.: Шарк, 2009; Аҳмедов Б. Ўзбекистон тарихи манбалари. – Т.: Ўқитувчи, 2001. – Б. 199-246..

⁴ Асар 1502 йилда ёзилган бўлиб, унда 1451 йилдан то 1501 йил июнигача Ўзбек улуси ва Мовароуннахр худудида юз берган муҳим ҳарбий-сиёсий воқеалар кенг ёритилган (*Қаранг*: Аҳмедов Б. Ўзбекистон тарихи манбалари. – Т.: Ўқитувчи, 2001. – Б. 199).

⁵ Биноий К. Шайбонийнома // Ўзбекистон тарихи. Хрестоматия. XVI-XIX асрлар. – Т.: – Fan va texnologiya, 2014. Асар 1505-1507 йилларда ёзилган. Биноий шайбонийларнинг қалъаларни қамал қилиш тадбирлари, кўшиннинг моддий таъминоти ва ҳарбий анжомлари ҳамда уларнинг жангдан бўш пайтлардаги машғулотлари хусусида маълумотлар келтириб ўтган (*Қаранг*: Ўша асар. – Б. 9, 10, 11).

⁶ Фазлуллаҳ ибн Рузбеҳон Исфохани. Михман-нама-йи Бухара (Записки бухарского гостя) / Пер., предисловие и прим. Р. П. Джалиловой. – М.: Наука, 1976. Асар 1509 йилда ёзилган бўлиб, у XVI аср бошларида Мовароуннахр ва Хуросондаги ҳарбий-сиёсий жараёнлар тарихини ўрганишда муҳим ўрин тутди.

⁷ Ғиёсиддин Хондамир. Ҳабиб ус-сийар фи ахбори афроди башар. Асар 1520-1524 йилларда ёзилган бўлиб, унда шайбонийларнинг ҳарбий тактикалари ва ҳарбий мансаблар ҳақида қимматли маълумотлар мавжуд.

⁸ Муҳаммад Ҳайдар мирзо. Тарихи Рашидий. Асар 1541-1546 йилларда ёзилган бўлиб, ундан Бобурнинг Шайбонийхон ҳамда шайбоний султонлар билан олиб борган курашларига доир маълумотлар ўрин олган (*Қаранг*: Ўша асар. – Б. 243, 347, 348, 349, 350).

⁹ Зайниддин Маҳмуд Восифий. Бадоеъ ул-вақоеъ / Форс тилидан Н. Норкулов таржимаси. – Т.: “Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти”, 1979. Асар 1532 йилда ёзилган ва унда мавзуга доир Убайдуллахоннинг жанглари ҳақида маълумотлар берилган.

¹⁰ Ҳофиз Таниш Бухорий. Абдулланом. 1 ва 2-китоблар. Асар 1584-1594 йилларда ёзилган. Унда ҳарбий кўрик, қуролашиш, таъминот, қалъалар тавсифи, қамал, мудофаа, жанг усуллари, ҳарбий мансаблар, ҳарбий кўмондонлар фаолияти, ўт очар қуролаар ҳамда уларни ишлатадиган муҳандислар, ҳарбий машғулотлар хусусидаги қимматли маълумотларни учратиш мумкин.

¹¹ Муҳаммадёр ибн Араб Қатаған. Мусаххир ал-билод. Унинг аксарият маълумотлари “Абдулланом”, қолганлари “Ҳабиб ус-сийар”, “Меҳмоннома-йи Бухоро”дан олиб ёзилган. Унда кўшин, унинг қисмлари, ҳарбий атамалар ҳақида тарихий фактлар, қизиқарли маълумотлар мавжуд.

¹² Асар 1630-1635 йилларда ёзилган бўлиб, унинг 6-жилдида давлат, ҳарбий тизим, ўзбек давлатининг лашкари, кўшин таркибидаги этник гуруҳларга доир маълумотлар кенг ўрин олган.

¹³ Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Т.: Ўқитувчи, 2008; Таворихи гузида – Нусрат-наме / Исследование, критический текст, аннотированное оглавление и таблица сводных оглавлений А. М. Акрамова. – Т.: “Фан”, 1967; Муҳаммад Солиҳ. Шайбонийнома. – Т., 1990; Абдуллоҳ Насруллоҳий. Зубдат ул-осор. ЎзР ФА ШИ. Инв. №608; Абулғозий Баҳодирхон. Шажараи турк. – Т.: “Чўлпон”, 1990.

“Бобурнома”¹⁴, муаллифи номаълум “Таворих-и гузида-йи нусратнома”¹⁵, Муҳаммад Солиҳнинг “Шайбонийнома”¹⁶, Абдуллоҳ Насруллоҳийнинг “Зубдат ул-осор”¹⁷, Абулғози Баҳодирхоннинг “Шажарайи турк”¹⁸ асарлари шулар жумласидандир.

Манбаларнинг учинчи гуруҳини сайёҳларнинг кундаликлари ташкил этади. Булар орасида турк адмиралли Сейди Али Реиснинг “Миръот ул-мамолик”¹⁹, Москва савдо компанияси вакили Антоний Женкинсоннинг “Ўрта Осиёга саёҳат” кундалиги²⁰ алоҳида аҳамият касб этади.

Диссертация биринчи бобининг “Мавзунинг ўрганилиш даражаси” деб номланган иккинчи параграфидида мавзуга оид баъзи маълумотларга эга бўлган тадқиқотлар уч гуруҳга бўлинган ҳолда таҳлил қилинди:

1. Совет даври тарихшунослиги. 2. Мустақиллик даври тарихшунослиги. 3. Хорижий адабиётлар таҳлили.

Совет даври тарихчилари орасида В. В. Бартольд, А. А. Семёнов, П. П. Иванов ва бошқаларнинг тадқиқотларида шайбонийлар даври ҳарбий санъатига муайян даражада баҳо берилган. В. Бартольд кўчманчиларда ўзининг ҳарбий маданияти бўлганлигини қайд этган²¹. А. А. Семёнов эса, Бухоро амирлигидаги ҳарбий мансабларни ёритиш баробарида, шайбонийлар давридаги ҳарбий мансаблар ҳақида ҳам тўхталиб ўтган²². А. М. Беленицкийнинг тадқиқотига келсак, у манбалар асосида Мовароуннаҳрга Туркиядан олиб келинган дастлаби тўплар ҳақида маълумотлар беради²³. А. С. Давыдовнинг мақоласида ўт очар қуроллар хусусида қимматли маълумотлар уч-

¹⁴ Асарда Бобурнинг Шайбоний билан олиб борган кураши, ўша даврдаги қалъаларнинг тасвири, ҳарбий мансабларга хос атамалар, ҳарбий қурол-аслаҳаларга оид маълумотлар келтирилган. Шайбонийларнинг машҳур жанг усули – “тўлғама” ҳам илк бор “Бобурнома”да тилга олинади (*Қаранг*: Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Б. 35, 55, 65, 67, 81, 83, 89, 127, 161, 164, 167, 168, 249, 255, 257, 261, 281).

¹⁵ Аҳмедов Б. Ўзбекистон тарихи манбалари. – Б. 188; Таворихи гузида – Нусратнома // Ўзбекистон тарихи. Хрестоматия. XVI-XIX асрлар. – Т.: Fan va texnologiya, 2014. Асар 1502-1505 йилларда ёзилган. Унда шайбонийларнинг ҳарбий юришлари, уларда қатнашган ҳарбий қисмлар, ҳарбий ўлжалар, уларнинг аниқ сони ҳақидаги қимматли маълумотлар жой олган (*Қаранг*: Ўша асар. – Б. 135, 139, 140, 141, 142).

¹⁶ Муҳаммад Солиҳ. Шайбонийнома. – Т., 1989. Асар 1506 йилда назмий дoston шаклида ёзилган. Унда Шайбонийхоннинг Самарқандни қамал қилиши ва қамал тафсилотлари, қўшиннинг сафга тизилиш тартиби, жавшан, шоти, тахш, дубулға, қилич, узун найза каби жанг қуроллари бирма-бир санаб ўтилган.

¹⁷ Аҳмедов Б. Ўзбекистон тарихи манбалари. – Б. 190. Асар 1525 йилда ёзилган. Унда шайбоний султонларнинг Мовароуннаҳр ва Хуросондаги ҳарбий юришлари бир мунча кенг баён этилган.

¹⁸ Асар 1664 йилда ёзилган. Унда Убайдуллахон ва Абдуллахон II томонидан Хивага уюштирилган ҳарбий юришлар ва ҳарбий-сиёсий жараёнлар тилга олинади (*Қаранг*: Шажарайи турк. – Б. 110, 115).

¹⁹ Сейди Али Реис. Миръот ул-мамолик / Таржима ва изоҳлар муаллифи Ш. Зуннунова. – Т.: Ўз ССР Фанлар академияси наштиёти, 1963. Асар 1557 йилда ёзилган. Адмирал шайбонийлар кўшини доимо дубулға ва совут кийиб жангга кириши каби ҳолатларни баён қилган (*Қаранг*: Ўша асар. – Б. 97, 98, 101, 103.).

²⁰ Дженкинсон А. Путешествие в Среднюю Азию. 1558-1560 гг. / Перевод с английского Ю. В. Готье // Английские путешественники в Московском государстве в XVI в. – Л.: Полиграфкнига, 1937. – С. 167-192. Мазкур кундалик 1562 йилда Лондонда чоп этилган. Унда Бухоро шаҳридаги ҳарбий истехкомлар, мудофаа иншоотлари, ҳарбий қисмлар, ўша даврда Бухородаги ҳарбий-сиёсий вазият ёритилган.

²¹ Бартольд В. В. Узбекские ханства. // Соч. Т. II. Часть 1. М.: Наука, 1963. – С. 268-269. У Бухоро ва Хива хонлиги ҳарбий санъатини қиёслаб, Дашти Қипчоқ таъсирида бўлган Хива хонлиги ҳарбий тизими бир мунча кучли эканлигини ёзади.

²² Семенов А. А. Бухарский трактат о чинах и званиях и об обязанностях носителей их в средневековой Бухаре. // Советское востоковедение. Вып. 1. – М.: Издательство академии наук СССР, 1948. – С. 137-155.

²³ Беленицкий А. М. О появлении и распространении огнестрельного оружия в Средней Азии и Иране в XIV-XVI веках // “Изд. ТФАН СССР”. – 1949. – № 15. – С. 21-35.

райди²⁴. Маҳаллий тарихчилардан Г. А. Пугаченкова²⁵, Р. Г. Мукминова²⁶ ва З. И. Раҳимова²⁷ тадқиқотларини алоҳида қайд этиш лозим.

Мустақиллик йилларида ўзбек давлатчилиги тарихида алоҳида аҳамият касб этган Амир Темури ва темурийлар даври тарихини ёритишга эътибор кучайтирилиб, шайбонийлар даври тарихи нисбатан камроқ тадқиқ этилди. Шундай бўлса-да, бу давр ҳарбий тизими айрим тарихчи олимлар томонидан у ёки бу даражада ўрганилди (Б. Аҳмедов, Ҳ. Тўраев, Г. Султонова, А. Зиё, С. Иноятов, О. Ҳайитова, Қ. Ражабов, Р. Мукминова, Г. Агзамова, Ж. Исмоилова, Л. Левтеева, Ҳ. Дадабоев ва бошқ.)²⁸.

Шайбонийлар даври ҳарбий тизими Дашти Қипчоқ халқлари ҳарбий ишининг муҳим таркиби сифатида хорижда – АҚШ, Россия, Туркия, Европа, Тожикистон ва Қозоғистон олимлари томонидан катта қизиқиш билан ўрганилган. Чет элликлар ўтган асрнинг 20-йилларидаёқ бу соҳада тадқиқот олиб борганлар. Фон Винклер ва Х. Р. Робинсон АҚШ ва Европа музей экспонатлари негизида Шарқ халқлари, айниқса, Бобурийлар даври ҳарбий аслаҳалари хусусида ўз фикрларини билдирганлар²⁹. XIX асрда Ўрта Осиёга келган Ҳерман Вамбери шайбонийлар даври манбаларидан фойдаланган ҳолда мазкур сулоланинг ҳарбий-сиёсий фаолияти, айниқса, шайбонийларнинг темурийлар устидан қозонган ғалабаси Мовароуннахрнинг кейинги тақдирини ҳал қилишда катта аҳамиятга эга бўлганлигини таъкидлаб, қимматли маълумотлар берган³⁰. АҚШ олими Картер Ван Финдли³¹, турк олимлари Мустафо Будак³² ва Р. Килич³³, рус олими

²⁴ Давыдов А.С. К истории огнестрельного оружия в Средней Азии // История и этнография народов Средней Азии. – Душанбе, 1981. – С. 14-23.

²⁵ Пугаченкова Г.А. К История костюма Средней Азии и Ирана XV – первой половины XVI вв. по данным миниатюр // Труды Среднеазиатского государственного университета им. В.И.Ленина. – Т.: Издательство САГУ, 1956. – С. 85-119.

²⁶ Мукминова Р.Г. К истории аграрных отношений в Узбекистане XVI в. По материалам “Вакф-наме”. – Т.: Изд-во АН УзССР, 1966. – С. 354; Мукминова Р.Г. Очерки по истории ремесла в Самарканде и Бухаре XVI в. (Монография). – Т.: Изд-во АН УзССР, 1976. – С. 234. Мукминова Р.Г. Костюм народов Средней Азии по письменным источникам XVI в. // Костюм народов Средней Азии. – М.: Изд-во: «Наука», 1979. – С. 28-36.

²⁷ Раҳимова З.И. Мавераннахрская (среднеазиатская) миниатюрная живопись XVI-XVII вв. как источник по истории костюма: Дис. ... канд. ист. наук. – Т., 1984.

²⁸ Аҳмедов Б. Кўчманчи ўзбеклар давлати; Ўзбеклар; Ҳофиз Таниш Бухорий ва унинг “Шарафномаи шохий” асари; “Тавочи” ва “Жарчи” атамалари ҳақида // Тарихдан сабоқлар. – Т.: Ўқитувчи, 1994; Ҳ. Тураев. Роль Джуйбарских ходжей в общественно-политической и духовно-культурной жизни Бухарского ханства XVI-XVII- веков. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора исторических наук. Ташкент, 2007; Зиё А. Ўзбек давлатчилиги тарихи. – Т.: Шарқ, 2001; Султонова Г.Н. XVI аср иккинчи ярмида Бухоро хонлигининг Қозоқ ва Ёрқент хонликлари билан алоқалари: Тарих фан. номзоди. диссертацияси. – Т., 2000; Иноятов С., Ҳайитова О. Кармана тарих кўзгусида. – Т.: Шарқ, 2006; Ражабов Қ., Очилов Э. Убайдуллахон; – Т.: “Abu matbuot-konsalt”, 2011; Мукминова Р., Агзамова Г. Ўрта Осиё хонликларида ҳарбий иш // Ўзбекистонда ҳарбий иш тарихидан. Масъ. мух. Д.Зияева. – Т.: Шарқ, 2012; Исмоилова Ж.Ҳ., Левтеева Л.Г. Ўзбекистон ҳарбий санъати тарихи. – Т.: Ўзбекистон НМИУ, 2013; Дадабоев Ҳ. Тарихий ҳарбий терминлар луғати. – Т.: Университет, 2008; Дадабоев Ҳ. Аждодларимизнинг ҳарбий маҳорати. – Т.: Академнашр, 2016; История Узбекистана (XVI – первая половина XIX вв.). – Т.: Фан, 2012.

²⁹ <http://draby.narod.ru/middleasia/middleasia15.htm>

³⁰ Вамбери Х. Бухоро ёхуд Мовароуннахр тарихи. – Т.: Ф.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990. – Б. 78-91.

³¹ Carter Vaughn Findley. The Turks in world history. – Oxford: University press, 2005. – P. 104-105. “Турклар жаҳон тарихида” монографиясида шайбонийларнинг ҳарбий тизими ва кийимларини баён этган.

Л. А. Бобров³⁴, тожикистонлик олим С. Хосейниширази³⁵ тадқиқотларида мавзуга доир баъзи мулоҳазалар келтирилган.

Диссертациянинг иккинчи боби “**XVI асрда Бухоро хонлигининг ҳарбий-сиёсий ҳолати ва ҳарбий бошқарув тизими**”га бағишланган. Унинг “Бухоро хонлигининг ташкил этилиши ва давлатни марказлаштириш учун кураш” деб номланган биринчи фаслида XVI асрда Мовароуннаҳр сиёсий харитасида Муҳаммад Шайбонийхон давлатининг пайдо бўлиши ҳамда унинг ворислари томонидан марказлашган давлат куриш йўлида олиб борилган ҳарбий-сиёсий жараёнлар ёритилган. Мазкур жараёнлар нисбий равишда қуйидаги 3 даврга бўлиб таҳлил қилинган: 1) 1500-1510 йиллар – Муҳаммад Шайбонийнинг Мовароуннаҳр ва Хуросонда марказлашган давлат барпо этиш йўлидаги фаолияти даври; 2) 1512 йилда Убайдуллахоннинг Мовароуннаҳрни эгаллаш ва бирлаштириш йўлидаги ҳарбий-сиёсий фаолияти; 3) 1552-1598 йилларда Абдуллахоннинг марказлашган давлат барпо этиш йўлидаги фаолияти.

Давлатнинг асосчиси Муҳаммад Шайбонийхон темурийлар ўртасидаги ўзаро уруш ва низолардан усталик билан фойдаланди. Асосий ҳарбий ҳаракатлар Муҳаммад Шайбонийхон ва темурий Бобур мирзо ўртасида кечди. 1501 йилнинг апрелида Зарафшон дарёси бўйидаги Сарипул жангида Бобур қўшинлари тактик хатолик ва мўғул қисмларининг хоинлиги сабабли Шайбонийхондан енгилди. Султон Аҳмад мирзо, Умаршайх мирзо ва Султон Хусайн Бойқаро сингари тажрибали темурий ҳукмдорларнинг вафоти натижасида ҳокимият тепасига келган ёш, тажрибасиз шахзодаларнинг ўзаро бирлаша олмаганлиги ҳам бунга имкон берди³⁶. 1507 йили Ҳирот эгалланди ва Хуросон шайбонийлар тасарруфига ўтди. Хуросонга юриши давомида Шайбонийхон Марв, Тус ва Машҳадни қўлга киритди ҳамда улуслар қўшинлари келиб қўшилишини кутмай, Марв ёнида Исмоил Сафавий (1502-

³² Budak M. Osmanli - Ozbek siyasi munasebetlerinin bashlamasi // Avrasya Etudleri. – Ankara, 1996. – № 4. – В. 79-85. У ўз тадқиқотларида Эронга қарши ўзбек-турк ҳарбий иттифоқи ва ўзбек қўшинларига турк аскарларининг келиб қўшилиши ҳақида ёзган.

³³ Remzi Kılıç. Osmanlı - özbek siyasi ilişkileri (1530-1555). // Tarih konunları. – №2. – Ankara, 2001. – В. 45-47. Шайбонийлар армияси таркибига Усмонли султонлари томонидан яничарлар юборилганлигини ёзади.

³⁴ Бобров Л. А. Защитное вооружение кочевников Центральной Азии XV – первой половины XVIII вв.: Автореф. дис. ... канд. ист. наук [Алт. гос. ун-т]. – Барнаул, 2005. – С. 24. Диссертация XV-XVIII асрларда кўчманчиларнинг ҳимоя қуролларига махсус бағишланган ва унда ҳимоя анжомлари, ҳарбий қуроллар, уларнинг шакллари ва функциялари таҳлил этилган.

³⁵ Хосейниширази С. С. Военно-политические отношения Мавераннахра и Ирана в XVI в.: Дисс. д-ра. ист. наук. – Душанбе: Таджикский государственный педагогический университет им. С. Айни, 2014. – С.155. Диссертацияда шайбонийлар даври ҳарбий тактикаси, қўшинлар жойлашуви ва ҳарбий йўлбошчиларнинг ҳарбий маҳорати ёритилган.

³⁶ Муҳаммад Шайбоний томонидан Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг қисқа муддатда эгалланиши ва бу ҳудудда унга қарши тура оладиган муносиб рақибнинг деярли йўқлигининг асосий сабаби, XV аср охирида темурий ҳукмдорларнинг бирин-кетин вафот этиши (1494 йил Фарғона ҳукмдори Умаршайх, Самарқанд ҳукмдори Султон Аҳмад, кейинчалик, унинг тахтини эгаллаган Султон Маҳмуд Мирзо 1495 йилда вафот этди), уларнинг ўрнини эгаллаган ёш ҳукмдорларда ҳарбий-сиёсий тажрибанинг етишмаслиги, уларнинг ҳали мустақам ҳокимият туза олмаганлиги ҳамда бир-бири билан ўзаро дипломатик муносабатларни тўғри йўлга қўя олмаганлиги билан изоҳланади. Натижада улар тажрибали (Шайбонийхон бу вақтда 50 ёшдан ошган эди), ҳарбий соҳани яхши биладиган, кучли интизомга эга бўлган саркардага қарши тура олмадилар. Шайбонийхоннинг Хуросонга юриши олдидан бу ерда ҳам худди шундай вазиятнинг юзага келиши (1506 йили Хусайн Бойқаронинг вафот этиши) ўзбеклар имкониятининг ортишига сабаб бўлди.

1524) қўшинларига қарши чиқди. Шайбонийхоннинг ҳарбий тактик хатоси ва шошқалоқлиги сабабли бу жанг унинг ҳалокатига сабаб бўлди³⁷.

Шайбонийхон вафотидан сўнг унинг ёш жияни Убайдулла султон (1486-1539) ҳокимиятни ўз қўлига олди ва Бобур ҳамда сафавийларга қарши фаол кураш олиб борди. 1512 йилнинг апрелида Жондор яқинидаги Малик кўли ёнидаги жангда у Бобур қўшинларидан устун келди. Бобур Ҳисорга чекинди. Шоҳ Исмоил томонидан Нажми Соний бошчилигида юборилган 60 мингдан иборат қўшин 1512 йилнинг ноябрида Ғиждувонда Убайдуллахондан мағлуб бўлди³⁸. Бу ғалаба шайбонийларнинг Мовароуннаҳрдаги кейинги тақдирини ҳал қилиб берди. Оғачилик анъаналарига кўра Абулхайрхоннинг ўғли Кўчкунчихон (1512-1530) олий ҳукмдор – хон деб эълон қилинди. Убайдуллахон (1533-1539) узоқни кўрувчи сиёсатчи сифатида шайбонийлар давлатининг олдинги чегараларини тиклашга интилди, ички низоларга барҳам берди, кизилбошлар ҳужумларини қайтарди. 1537 йили Аванешхон (1525-1538) устидан ғалабага эришиб, Кўҳна Урганчни ишғол қилди³⁹. Давлатни меросий мулки ҳисобланган Бухородан туриб бошқара бошлади ва шу даврдан бошлаб Бухоро маъмурий марказ сифатида юксалди.

Марказий ҳокимиятнинг заифлашуви Убайдуллахон вафотидан сўнг кучайди. Мовароуннаҳрнинг ўзида бир неча шайбоний султонларнинг ҳокимият учун кураши авж олди. Айни шу вақтда тарих саҳнасига ўз мулкани Бароқхон, Абдулатиф, Султон Саъид, Муҳаммадиёр султон ва Бурҳон султондан ҳимоя қилишга чоғланган 18 ёшли Абдуллахон II чиқди. Узоқ курашлардан кейин, 1556 йили у ўз душманлари устидан ғолиб келди. Тошкент ҳокими Дарвешхон (Наврўз Аҳмаднинг ўғли) устидан эришган ғалабаси унинг Насаф, Чоржўй ва бошқа вилоятларни ишғол этиши учун йўл очиб берди. 1557 йили у Бурҳон султонга зарба бериб, Бухорони эгаллади. Абдуллахон II ҳарбий қўшинга, Жўйбор шайхларига таянган ҳолда узлуксиз юришларни амалга оширди ҳамда Балх, Самарқанд, Тошкент, Фарғона, Бадахшон, Хуросон, Хоразмни эгаллаб, Мовароуннаҳрда марказлашган давлат тузди. У 1583-1598 йилларда мамлакатни олий ҳукмдор сифатида бошқарди. Унга қадар хонлик жиловини амакиси Пирмуҳаммадхон (1557-1561) ҳамда отаси Искандархон (1561-1583)га тутқазган эди⁴⁰. Абдуллахон II тузган давлатнинг чегаралари XVI аср охирига бориб

³⁷ Ғиёсиддин Хондамир. Ҳабиб ус-сийар. – Б. 1204.

³⁸ Аксарият манбалар ва илмий тадқиқотларда Нажми Соний шайбоний султонларга қарши Бобурнинг илтимосига кўра юборилганлиги айтилади. Аммо 1511-1512 йиллардаги ҳарбий-сиёсий жараёнларда бевосита иштирок этган, Эроннинг ҳам, Мовароуннаҳр ва Кобул томоннинг ҳам бу жараёндаги ўрнини бирдай билган Хондамир ўзининг “Ҳабиб ус-сийар” асарида Нажми Сонийнинг аслида Бобурга қарши юборилганлигига ишора қилади. Бобур Самарқанд ва Бухорони эгаллагач, келишувга биноан шоҳ Исмоил номига хутба ўқилиб, пул зарб қилинган. Эрон саркардаларига юртига қайтиш учун рухсат берилгач, Мовароуннаҳр аҳолиси, уламолар ва бир гуруҳ амалдорлар Бобурнинг шиа мазҳабидаги Эрон ҳукмдори ноиб бўлишига кескин норози бўлиши натижасида Бобур шоҳ Исмоил билан келишувнинг айрим шартларини бузишга мажбур бўлганлиги эҳтимолдан холи эмас. Эрон шоҳининг Мовароуннаҳрдаги хуфиялари Бобурнинг унга бўйсунмаслик йўлидан бораётганлиги хабарини етказишгач, шоҳ Исмоил Нажми Сонийни Мовароуннаҳрга, Бобурни итоатга келтириш учун юборган. Бобур Кўли Маликда шайбонийлардан енгилган вақтда Нажми Соний Хуросонда бўлиб, унга бу хабар етиши билан, шоҳ фармонига зид равишда, шайбоний султонларга қарши Мовароуннаҳрга юриш қилган (*Бу ҳақда қаранг*: Ғиёсиддин Хондамир. Ҳабиб ус-сийар. – Б. 1214-1222).

³⁹ Аммо Динмуҳаммадхон туркманлар кўмагида Урганчни қайтаришга эришади.

⁴⁰ История Узбекистана (XVI – первая половина XIX вв.). – Т.: Фан, 2012. – С. 39-40.

шарқда Кошғар, ғарбда Орол ва Каспий денгизи соҳилларигача, шимолий сарҳадлари Туркистон ва Сайрамга қадар, жанубда эса Хуросон чегараларига қадар чўзилган эди. У тузган давлат Амир Темурдан кейин Марказий Осиёдаги энг йирик марказлашган сиёсий тузилма саналади. У 1598 йили вафот этгач, тахти ягона ўғли Абдулмўминга ўтди, аммо у 6 ойдан сўнг фитна қурбонига айланди. Абдуллахоннинг жияни, Жонибекнинг невараси Пирмуҳаммад ибн Сулаймон (1599-1601) тарихда охириги шайбоний ҳукмдор сифатида қолди.

Тадқиқотнинг “Ҳарбий мансаблар ва уларнинг функциялари” деб номланган иккинчи фаслида ҳарбий тизимга, маъмурий бошқарувга алоқадор лавозимлар, унвонлар, мартабалар, мансабларнинг номлари ва атамалар таҳлил этилади.

Маълумки, Шайбонийхон асос солган давлат кўчманчи ва маҳаллий ўт-роқ маданият негизида ташкил этилган бўлиб, ҳарбий амалдорларнинг асосий даромади хон томонидан инъом этилган ер-мулклар ҳамда уларнинг ўзлари сотиб олган ерлар ҳисобидан шаклланган. Маъмурий-ҳарбий амалдорлар хон томонидан тайинланган. Давр анъанасига кўра нисбий равишда шайбонийлар ҳарбий бошқарувини икки гуруҳга бўламиз: 1) маъмурий-ҳарбий (нақиб, кўкалдош, парвоначи, мушриф, шиғовул, доруға, соҳиб ихтиёр, мирохур, маҳрам, баковул, хон ясовули, қушбеги, мунши); 2) ҳарбий унвон ва мартабалар (қўшбеги, чухрабоши, нўён, туғбеги, қурчи, тўпчибоши, қоровулбеги, ясовул, тавочи, жевачи (жибачи), мингбоши, юзбоши, қози аскар, қози муфти).

Нақиблар саййидзодалардан бўлиб, улар хонга яқин, расмий мажлис, тадбирларда хоннинг чап томонидан жой эгаллаган ҳамда олий ҳукмдорга маслаҳатчи, ҳарбий юришларни ташкил қилувчи, режа ва сулҳ тузувчи, хонга ўз сўзини ўтказувчи унвон соҳиби бўлишган⁴¹. XVI аср охиридан нақибнинг ўрнини шайх ул-ислом эгаллайдиган бўлди. Оталиқ шаҳзодалар учун масъул шахс ҳисобланиб, кўкалдош нақибдан кейинги лавозим саналган. Ясовул хон ва шаҳзодаларнинг муносабатлари учун жавобгар бўлган. Хавфсизлик масалалари ва ички тартиб эшикоғабонининг зиммасида бўлган. Қушбеги хоннинг шикорини ташкил қилган. Фармон, ёрлиқ ва бошқа расмий ҳужжатларни етказиш ҳамда божхона ишлари парвоначининг зиммасида бўлган. Хон томонидан таниқли шахслар ҳамда ҳарбий саркардаларга бериладиган совғасаломларнинг ҳисоб-китобини мушриф юритган⁴². Чет элликлар ва ажнабийлар қабулини ташкил этиш кўкалдош тобелигидаги шиғовул қўлида бўлган. Шаҳар, вилоят ва қалъа беклиги доруға ёки кутвол тасарруфида бўлиб, улар қўли остида ҳарбий бўлинма ҳам бўлган. Хон саройи ва ҳарбий қисм бошлиғига нисбатан соҳиб ихтиёр атамаси қўлланган. Мунший хоннинг котиби бўлиб, у фатҳномалар ёзган ва ҳарбийлар рўйхатини тузган⁴³. Маҳрам хоннинг хос хизматкори саналган. Баковул ҳарбийларнинг озиқ-овқати учун масъул бўлган. Хазинабон эса хон хазинасининг ҳамда турли ҳадялар ва харажатларнинг ҳисоб-китобини

⁴¹ Ҳофиз Таниш ал-Бухорий. Абдулланом. 1-китоб. – Б. 326.

⁴² Гиёсиддин Ҳумомиддин Хондамир. Ҳабиб ус-сийар. – Б. 862.

⁴³ Ҳофиз Таниш ал-Бухорий. Абдулланом. 1-китоб. – Б. 303.

юритган. Ҳарбий уловларнинг озукаси билан мирохур шуғулланган. Чухрабоши хоннинг шахсий соқчилари бошлиғи бўлган. Ҳарбий юришдаги тўхташ жойлари – кўшларнинг бошқарувчиси кўшбеги деб аталган. 10 минглик аскарни нўён ёки туманбоши бошқарган. Туғбеги байроқ учун, қурчи эса қурол-яроғ омбори ва ҳарбий аслаҳа устахоналарига жавобгар ҳисобланган. Тўпчибоши артиллерия ёки тўп-замбаракчилар гуруҳини бошқарган. Қоровуллар бошлиғи қоровулбеги деб аталган ҳамда хавфсизлик учун масъул бўлган. Қўшинда ҳарбий қонунларга риоя этилиши устидан назоратни қози аскар ва ёрғучи олиб борган⁴⁴. Қўшинни урушга тайёрлаш, жангчилар маоши ва бошқа ташкилий масалалар тавочи (тевачи)нинг зиммасида эди. Хонликдаги ижро ҳокимиятини амалга оширувчи девонлар (вазирликлар) орасида, илгари даврларда бўлгани сингари⁴⁵, ҳарбий ёки мудофаа соҳаси билан шуғулланувчи алоҳида девон мавжуд бўлмаган⁴⁶. Кўп ҳолларда бошқа соҳаларда бўлгани каби, ҳарбий соҳада ҳам амал ва мансабларга тайинлашда асосий эътибор шахснинг насл-насаби ва ижтимоий келиб чиқишига қаратилган.

“Қўшиннинг тузилиши, таркиби ва уни бошқариш тартиблари” деб номланган кейинги фаслда Бухоро хонлиги кўшинининг тузилиш тартиблари, таркиби ва бошқарувига хос айрим хусусиятлар ёритилган. Қўшинни ташкил этиш, унга қобилиятли, тажрибали жанговар кучларни жалб қилиш, уларни қурол-яроғ билан таъминлаш хонликдаги энг муҳим вазифалардан саналган. Бўлинмалардаги ҳарбийлар таркиби бир хил бўлмаган. Оддий аскарлар асосан элотия (кўчманчи аҳоли) ва алоҳида ҳудудлардан танлаб олинган. Ҳарбийлар сафида асирлар ва қуллар ҳам хизмат қилган.

Қўшин отлиқ ва пиёдалардан ташкил топган. Дастлабки даврларда кўмондонлик чингизийлар зиммасида бўлган. Кейинчалик мовароуннаҳрлик саркардалар сони кўпайган. Мовароуннаҳрликлар қадимдан ўз жасурликлари ва ҳарбий санъатни пухта эгаллаганликлари билан ажралиб туришган. Қўшинни ташкил этиш ва йиғишда бекликлардаги амлоқдорларнинг роли катта бўлган. Ҳарбий юриш хабарини дастлаб тавочи ва жарчилар етказган, шундан сўнг маҳаллий ҳокимлар ва тавочилар кўшинларни йиғишга киришишган.

Фавқулудда вазиятларда энг қалтис вазифаларни танланган ҳарбийлар бажарган. Ер эгалари ҳам ҳарбий бўлинмаларни бошқариш ҳуқуқига эга бўлганлар. Ҳар йили баҳорда ҳарбий кўриклар ўтказилган. Ҳарбий қисмларни хоннинг ўзи шахсан бирма-бир кўриқдан ўтказган⁴⁷.

XVI аср ўрталаридан бошлаб шайбонийларнинг тахт учун ўзаро курашларида усмонли турк ҳарбийларининг иштироки, турк мутахассисларининг

⁴⁴ Иванин М. Икки буюк саркарда. – Б. 32; Қадимги Кеш-Шаҳрисабз тарихидан лавҳалар. – Т.: Шарқ, 1998. – Б. 154.

⁴⁵ Масалан, Амир Темур давлатида ўнта вазирлик фаолият кўрсатган бўлса, шулардан иккинчиси сипоҳ (кўшин) вазирлиги бўлган (*Қаранг*: Темур тузуклари / Форсчадан Алихонтўра Соғуний ва Ҳ. Кароматов таржимаси. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – Б. 88; Ртвеладзе Э. Амир Темур давлати ва унинг бошқарув механизми // Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. Коллектив монография. – Т.: Шарқ, 2001. – Б. 94-95). Кейинчалик бу вазирлик “Тавочи девони” деб аталган (Хондамир. Ҳабиб ус-сийар. – Б. 764, 1118, 1121).

⁴⁶ Бу ҳақда *қаранг*: Семенов А. А. Бухарский трактат. – С. 141-142.

⁴⁷ Ҳофиз Таниш ал-Бухорий. Абдуллонома. 1-китоб. – Б. 198-202.

махаллий жангчиларни урушга тайёрлаши, айниқса, замбаракдан отиш сингари машғулотларни фаол ўргатиши кузатилади⁴⁸. Шунингдек, ҳарбий юришлар ва тўқнашувларда Хуросон, Туркистон, Кирмон, Ироқ ва бошқа ҳудудлардан келган ҳарбийлар иштирок этишган. Шайбонийхон ҳарбийларга маош тўлаш билан бирга, уларнинг айрим ишғол этилган шаҳар аҳолисини талаб, ўлжа олишларига ҳам имкон берган. Бундай ҳарбий сиёсат бошқаларни шайбонийлар қўшинида хизмат қилишига қизиқтирган.

Қўшиннинг саййидлар, хожалар ва тасаввуф пирларидан иборат диний ва маънавий раҳнамолари ҳам бўлган. Табиблик қўшиндаги энг муҳим касблардан бўлиб, табиблар турли касалликлар билан бирга, лат еган ва ярадор аскарларни даволаганлар ва зарур дори-дармонлар билан таъминлаганлар.

Бухоро қўшини таркибида мусиқачилар ҳам бўлиб, улар асосан шарият ижозат этган пуфлаб чалинадиган ва зарбли чолғу асбоблари билан ҳарбий юришларда қўшинга ҳамроҳлик қилишган⁴⁹. Жангдан олдин, уруш жараёнида ва ниҳоясида ҳар ким ўз вазифасига эга бўлган. Сувчининг вазифаси қўшиннинг сувдан ўтишини ташкил этиш ва кечув воситалари билан таъминлашдан иборат бўлган. Ажузчи қўшинга йўл кўрсатган. Нақбчилар кўрғон деворлари остидан ҳандақлар қазилган. Шотичилар қалъалар ишғоли учун нарвонлар тайёрлаганлар. Шотирчи (чокар)лар эса хабарлар етказиш ва жарчилик билан машғул бўлишган. Юртчилар қўш учун жой танлаш ва қўшиннинг сараланган жойга кўчишини таъминлаганлар. Уғруқ (моддий захира) одатда қўшин ортидан эргашиб, у ерда асосан чодир, арава ва захиралар сақланган.

Диссертациянинг учинчи боби “**Ҳарбий тактика ва стратегия**” деб номланади. Унинг “Қўшин таъминоти, ҳарбий тайёргарлик ва машғулотлар” деб номланган дастлабки фаслида қўшин таъминоти олдинги асрлар билан қиёсий таҳлил қилиниб, шайбонийлар давридаги ҳолати манбалар асосида ёритилган. Унга кўра, шайбоний ҳукмдорлар ўз қўшинлари таъминотига жиддий ғамхўрлик қилишган⁵⁰. Бўлинмалар бошлиқлари, ҳарбий амалдорлар ва аскарлар учун ойлик маош тайинланиб, у хазинадан тўланган. Ҳарбийлар ўз хизмат вазифаси, даражаси, унвони ва жасоратига қараб маблағ олишган. Хусусан: 1) Олий даражадаги ҳарбий амалдорларга зардўзи чопонлар, қимматбаҳо тошлар қадалган камарлар, сопи қимматбаҳо тошлар ва металллар билан безатилган қиличлар, ханжарлар, олтин, чодир, заррин эгар-жабдуқли арғумоқлар⁵¹, ноғора, сурнай, туя, туғ, шунингдек, асира жориялар тортиқ этилган. 2) Юқори мансабдаги амалдорлар жангларда ўзини кўрсатган оддий аскарларга ўз қилич ва қуролларини тухфа қилганлар. Шунингдек, улар пойабзал, бир сира ҳарбий кийим-бош (сарупо) ва нақд пуллар олишган⁵². Алоҳида жасорат кўрсатган, хусусан, душман ҳарбий бошлиғини асирга ол-

⁴⁸ Муҳаммадёр ибн Араб Қатаған. Мусаххир ал-билод. – Б. 394.

⁴⁹ Мукминова Р., Агзамова Г. Ўрта Осиё хонликларида ҳарбий иш. – Б. 152.

⁵⁰ Муҳаммадёр ибн Араб Қатаған. Мусаххир ал-билод. – Б. 368.

⁵¹ Муҳаммад Толиб. Матлаб ут-толибин. – Б. 156.

⁵² Гиёсиддин Хумоиддин Хондамир. Кўрсатилган асар. – Б. 1211; Ҳофиз Таниш ал-Бухорий. Абдуллонома. 1-китоб. – Б. 190, 227, 292; 2-китоб. – Б. 45.

